*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 45 (9281). • 1988 йил 4 март • жума • Баҳоси 3 тийин.

**КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!**

# Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

**ИЛГАРИ хабар қилинганидек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси «Ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш, давлат корхонаси тўғрисидаги қонуннинг амал қилиши шароитида «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети ҳамда маъмуриятининг иши тўғрисида»ги масалани кўриб чиққан эди.**

«Навоиазот» бирлашмасининг партия комитети ва маъмурияти умуман мана шу ғоят муҳим вазифани амалга оширишга масъулият билан ёндашаётганлиги қайд этиб ўтилди. Қўшма чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, уларнинг бажарилишини махсус ишчи комиссияси назорат қилиб бормоқда. Цех партия ташкилотлари, партия группалари активлашди. Одамлар билан ишлаш, жонли амалий иш сари бурилиш рўй бермоқда. Ялпи иқтисодий таълим жорий этилган. Туб иқтисодий ислоҳот муаммолари юзасидан раҳбар ходимларнинг билимлари аттестациядан ўтказила бошланди. Хўжалик юритишнинг янги йўллари асосларини ўзлаштириб олиш учун зарур методик қўлланмалар нашр этилди. Барча категориялардаги раҳбарларнинг, сайлаб қўйиладиган партия активларининг семинарлари ўтказилди. Цехларда, бригадаларда, бошқарув ходимлари ўртасида оширилган талабчанлик вазияти вужудга келтирилмоқда, интизом ва тартиб мустаҳкамланмоқда. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда демократик асослар, ошкоралик тобора ривожланмоқда. Ҳамма жойда меҳнат коллективларининг кенгашлари сайланган, ишлаб чиқариш вазифалари ва социал вазифаларни ҳал этишда уларнинг роли кучаймоқда.

Иқтисодий хизмат бўлимларининг фаолиятига эътибор оширилди. Интенсив омилларни — меҳнат унумдорлигини, фонд самарадорлигини юксалтириш ҳисобига ўтган йили ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш юзасидан планда кўзда тутилган суръатлар оширилди, маҳсулот етказиб бериш тўла-тўкис таъминланди. Ишлаб чиқаришнинг фойда келтириши 1986 йилга нисбатан 1,7 баравар кўпайди, қўшимча 1,3 миллион сўм фойда олинди.

1988 йилги план беш йиллик топшириғи даражасида тузилган бўлиб, у ресурслар ва қувватлар жиҳатидан батамом мувофиқлаштирилган. Давлат буюртмаси улуши 80 процентни ташкил этади, маҳсулотни унинг бутун ҳажмида етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузилган. Белгиланган иқтисодий нормативларга кўра, фойданинг 54,8 проценти корхона ихтиёрида қолади, бу эса шу йил уни нормал ривожлантиришни таъминлайди.

Коллектив хўжалик юритиш янги шароитининг биринчи ойида умуман уюшқоқлик билан, узилишларга йўл қўймай ишлади. Ишлаб чиқариш ҳажмларини ўстириш юзасидан белгиланган суръатга амал қилинди, маҳсулот мажбуриятларга мувофиқ етказиб бериб турилди. Фойда олиш плани ошириб бажарилди. Иш ҳақи, моддий рағбатлантириш фондлари қўшимча тушум олди. Товар маҳсулотнинг ҳар бир сўмига харажатлар камайди, барча цех ва ишлаб чиқаришлар пландаги таннархга мувофиқ ишлади.

Шу билан бирга, партия комитети, маъмурият хўжалик ислоҳотини амалга ошириш чоғида ҳали ташкилотчилик ва тарбия ишини янги поғонага кўтара олмадилар, мавжуд техникавий, иқтисодий имкониятлардан тўла-тўкис фойдалана билмадилар, инсон омилини кучайтирмадилар. Асосан юзада турган резервлар ҳисобига, энг оддий тартибни ўрнатиш йўли билан ижобий натижаларга эришилди. Корхонанинг янгича иш шароитига ўтиши цехлар, сменалар, бригадалар ичида хўжалик ҳисобини жорий этиш билан мустаҳкамланмаган, завод ички хўжалик ҳисобини ишлаб чиқиш ҳали ниҳоясига етказилмаган. Шу сабабларга кўра, ижрочиларга етказилган иқтисодий нормативлар ҳозирги босқичда кутилган самарани бермаяпти. Иқтисодий хизмат бўлимлари ишларни мувофиқлаштирмай, кам самара билан ҳаракат қилмоқдалар. Шу системадаги ходимларнинг учдан бир қисми базавий маълумотга эга эмас, ишловчиларни янги тариф ставкалари ва окладларига ўтказиш жараёни чўзиб юборилди.

Социал соҳа устун даражада ривожлантирилишини таъминлаш учун партия комитети хўжалик раҳбарларига нисбатан тегишли талабчанлик қилмаяпти. Корхонанинг салкам 2000 ходими уй олиш учун навбатда турибди, бироқ уй-жой қурилиши ҳозирча социал ривожланиш фонди ҳисобидан пул билан таъминланмоқда. Кооператив ва якка тартибдаги қурилишни ташкил этиш учун гражданларнинг маблағларини жалб этиш имкониятларидан фойдаланилмаяпти. Хўжалик усули секинлик билан авж олмоқда. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, ишловчиларга пулли хизматларни кенгайтириш, шу мақсадларда кооперативларни ташкил этиш борасидаги силжишлар унча катта эмас. Ёрдамчи қишлоқ хўжалиги ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Тўла хўжалик ҳисоби, давлат корхонаси тўғрисидаги қонуннинг амал қилиши шароитида бирлашманинг иши ҳозир партиявий-сиёсий жиҳатдан етарлича таъминланмаяпти. Партия комитетининг ташкилотчилик фаолиятида бир қолипдаги эски усуллар бартараф этилмаган. Эскириб қолган ёндашувларга ҳамон амал қилинмоқда. Партия комитети маъмуриятдан хўжалик фаолиятини чуқур қайта қуришни талаб қилмади, мана шу мураккаб жараёнга барча кадрларни, партия активларини жалб этмади. Касаба союз ва комсомол ташкилотлари мазкур вазифаларни ҳал этишга суст йўналтирилган.

Меҳнаткашларнинг иқтисодий ўқувини ташкил этишда партия комитетининг нуқсонлари кўриниб турибди. Бу ўқиш кечикиб бошланди, кўпинча эса енгилгина, лекция тусида ўтказилмоқда. Бошланғич босқичнинг мураккаб шароитларида кўргазмали агитация ўз ўрнини топа олмади.

Демократиялаш, коллектив аъзоларини ишлаб чиқаришни бошқаришга тортиш жараёнлари қийинчилик билан бормоқда. Бирлашманинг кўпгина ходимлари коллективда янги ҳолатларни ҳали кўрмаяптилар, ўзлари меҳнат қилаётган соҳадаги ишларни яхшилашда ўз ролини тушунмаяптилар. Бир қанча бўлинмаларнинг раҳбарлари техникавий ва иқтисодий масалаларда қолоқ позицияларда туришибди, бошқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий методларини, хўжалик ҳисобини суст ўзлаштирмоқдалар. Уларнинг айримларида чуқур сиёсий билимлар, ғоявий эътиқод, актив жамоат фаолияти етишмаяпти. Меҳнат коллективларининг кенгашларига конкрет ёрдам берилмаяпти.

Навоий область ва шаҳар партия комитетлари бирлашманинг иқтисодий ҳамда социал тараққиётига етарлича эътибор бермаяптилар, унинг партия ташкилотига тегишли амалий ёрдам кўрсатмаяптилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети мазкур масала юзасидан қабул қилган қарорда «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари ўртоқ С. М. Ждановнинг, бош директори ўртоқ М. Г. Плешковнинг диққат-эътиборини партиянинг экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришга доир қарорларини бажаришдаги нуқсон ва камчиликларга, аввалгидек текисчилик ёндашувлари мавжудлигига, корхона ички хўжалик ҳисобини жорий этиш асоссиз равишда чўзилаётганига қаратди. Техника сиёсатида хатолар мавжудлиги, иқтисодий хизмат бўлимлари самарасиз ишлаётганлиги, кўпгина ишчилар, инженер-техник ходимлар янги хўжалик ислоҳотининг талаблари ва афзалликларини яхши билмаётганликлари, меҳнаткашларнинг иқтисодий ўқуви тегишли тарзда ташкил қилинмаганлиги қайд этиб ўтилди.

Тўла хўжалик ҳисоби принципларини жуда қисқа муддатлар ичида цехлар, бригадаларга, ҳар бир ишчига етказиш партия комитети ва маъмуриятнинг ғоят муҳим вазифаси эканлиги таъкидланди. Шу мақсадда бўлинмалар коллективларининг йиғилишларини шу йил март ойи мобайнида ўтказиб, уларда хўжалик ҳисобини жорий этиш билан боғлиқ барча масалаларни муҳокама қилиш, мазкур ишни жадаллаштиришга доир чора-тадбирларни белгилаб олиш топширилди. Кўргазмали агитациядан, радиодан, заводнинг кўп тиражли газетасидан тўлиқроқ фойдаланилсин. Ялпи иқтисодий таълимнинг ташкил этилиши ва унинг сифати қайта кўриб чиқилсин, у бевосита ишлаб чиқаришга яқинлаштирилсин. Ўқиш узлуксиз жараёнга айлантирилсин. Пропагандист кадрлар мустаҳкамлансин. Ўқишнинг бориши, билимларни текшириш устидан қаттиқ партиявий назорат ўрнатилсин. 1988 йилнинг 1 июлига қадар иқтисодий хизмат бўлимларининг ходимлари аттестациядан ўтказилсин, тегишли малакага эга бўлмаган кишиларнинг бундай лавозимларни эгаллаши каби ҳолларга барҳам берилсин. Завод ички хўжалик ҳисобини жорий этиш шу йилнинг биринчи ярми охиригача ниҳоясига етказилсин. Тўла хўжалик ҳисоби шароитидаги иш янги тариф ставкалари ва окладларига ўтиш билан боғлансин.

Бирлашманинг меҳнат коллективи кенгаши ишлаб чиқиб, партия комитети маъмурият билан биргаликда кўриб чиққан комплекс программа маъқулланди. Бу программа корхонанинг 1995 йилгача бўлган даврда ишлаб чиқариш-техникавий даражаси ва маҳсулот сифати, мавжуд потенциалдан самарали фойдаланиши, социал тараққиёт юзасидан илғор марраларга чиқишини кўзда тутади. Шу билан бирга, фан-техника тараққиёти ривожланишини жадаллаштириш ҳисобига 1988—1995 йиллар мобайнида ҳар йили асосий фондларни 8—10 процент янгилаб бориш мўлжалланади. Шу асосда яқин 3—4 йил мобайнида қувватлар лойиҳадаги кўрсаткичларга қадар оширилади. Маҳсулот сифати анча яхшиланади. Фойда, ишлаб чиқариш рентабеллиги ўсиши таъминланиб, 1990 йил охирига борганда 25 процентга етказилади. Бирлашма кучлари билан хўжалик қурилиши ишлари ҳажми кенгайтирилади: 1990 йилда 2 миллион сўмликка қадар, 1993 йилда 6 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Ана шу мақсадда 1989 йилда қурилиш-монтаж бошқармаси тузилади. Талаб қилинувчи уй-жойларнинг учдан бир қисми хўжалик усули билан қурилади. Уй-жой программаси умуман 1988 йилда ҳал этилади. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш иш ҳақи фондининг бир сўми ҳисобига 1988 йилги 15 тийиндан 1990—1991 йилларда 1 сўмгача кўпайтирилади. 1988 йилнинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳрида фирма магазини очилади. Пулли хизматлар юзасидан 1991 йилда иш ҳақи фонди ҳажмининг 8—10 проценти даражасига чиқилади. Ёрдамчи хўжалик ривожлантирилади. Ишлайдиган бир кишига етиштириладиган гўшт 1990—1991 йилларда 30 килограмм бўлишига эришилади. Иккиламчи иссиқлик ресурсларидан фойдаланиб, икки йил мобайнида ҳар бир юмушчига камида бир квадрат метр ҳисобидан теплицалар қурилади.

Партия комитетига, цех партия ташкилотларига қайта қуриш талабларини амалий натижаларга айлантириш ишини кучайтириш вазифаси топширилди. Ташкил этиш ва бошқаришнинг иқтисодий методларини такомиллаштиришга, тўла хўжалик ҳисоби ҳамда ўзини-ўзи пул билан таъминлашни жорий этишни жадаллаштиришга алоҳида эътибор берилсин. Ошкоралик ва демократиялаш шароитида оммага сиёсий раҳбарлик методлари эгаллансин, одамларнинг кайфиятлари ва эҳтиёжларидан бохабар бўлиб, коллектив турмушининг энг муҳим проблемалари юзасидан улар билан доимо маслаҳатлашиб турилсин. Ишчилар, инженерларнинг қайта қуришда шахсан қатнашуви масалалари юзасидан улар билан суҳбатлашиб туриш практикага жорий этилсин, ижтимоий-сиёсий аттестациядан ўтказиш, коммунистларнинг Устав талабларини қандай бажараётганликлари ҳақидаги ҳисоботларини тинглаш кенгайтирилсин. Кадрлар билан олиб бориладиган ишлар такомиллаштирилсин. Шу мақсадда пухта резерв яратишни, раҳбарлик ишларига янги ёш кучлар келишини, ишчиларни маҳорати, мутахассисларнинг профессионал билимлари ўсишини кўзда тутувчи истиқболли программа ишлаб чиқилсин. Раҳбарларни конкурс системаси билан алмаштириш кенгроқ кўламда жорий этилсин.

Одамларнинг социал активлиги ва меҳнат ғайратини юксалтириш учун идеология ишидан тўлароқ ва самаралироқ фойдаланилсин, меҳнаткашлар онгини қайта қуриш руҳида шакллантиришда идеология ишининг роли оширилсин. Идеология иши жанговар тусда бўлсин, у бирлашманинг конкрет вазифалари билан чамбарчас боғлаб олиб борилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Навоий область ва шаҳар партия комитетлари эътиборини бирлашманинг техникавий ва социал тараққиётидаги камчиликлар учун партия комитетига, маъмуриятга нисбатан етарли даражада талабчан бўлмаётганликларига, коллективни тўла хўжалик ҳисоби шароитида ишлашга ўз вақтида тайёрлашни таъминлай олмаганликларига қаратди. Корхона партия ташкилоти, хўжалик раҳбарларининг куч-ғайратини туб иқтисодий ислоҳот ва демократиялашни амалга оширишга, ишлаб чиқариш топшириқлари ва мажбуриятларини бажаришда уларга реал ёрдам беришга сафарбар этиш вазифаси топширилди.

Навоий область ижроия комитети хўжалик усулида ва якка тартибда уй-жой қуриш учун «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасига ер ажратиб беришда сансалорлик қилганлиги кўрсатиб ўтилди. Область ижроия комитетининг раиси ўртоқ А. А. Айдарқуловга шу масалани бир ой ичида ҳал қилиб, натижасини Марказий Комитетга маълум қилиш таклиф этилди. СССР Минерал ўғит ишлаб чиқариш саноати министрлиги Азот саноати давлат институтининг Чирчиқдаги филиали уй-жойларни социал-маданий-маиший объектлар ҳамда инженерлик коммуникациялари билан комплекс ҳолда қуриш учун зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда бирлашмага ёрдам берсин. «Навоиазот» бирлашмасига ўз микрорайонини шу йилиёқ қура бошлаш масаласини ишлаб чиқиш тавсия этилди.

# Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

29 февраль куни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг навбатдан ташқари мажлиси бўлди. Мажлисда Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетининг кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишларга қарши кураш соҳасида ўтказилган ишлар тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети, Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети, Ўзбекистон ССР Қурилиш ишлари давлат комитетининг объектларни ишлатиш учун қабул қилиб олишда белгиланган тартибга риоя этилишини танлаб текшириш натижалари хусусидаги хатлари муҳокама қилинди. Республиканинг совет ва хўжалик органлари ўтган йили давлат ҳисоботини бузиб кўрсатишга қарши курашни кучайтириш юзасидан бир қанча тадбирларни амалга оширганликлари, бу эса шундай бузиб кўрсатишлар салмоғини бирмунча қисқартириш имконини берганлиги уқтириб ўтилди.

Шу билан бирга салбий ҳодисаларнинг асосий сабаблари ва оқибатлари олдини олиш, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик фактларини тугатиш, ҳамма жойда давлат интизомига қатъий риоя этиш юзасидан республика халқ хўжалигида ўтказилаётган ташкилотчилик ишлари унчалик активлик, жанговарлик ва талабчанлик руҳида олиб борилмаётганлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Айрим министрликлар ва идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари мамлакат раҳбар органларининг қарорларидан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг давлатни алдаш ҳар хил кўринишлари пайини қирқиш масалаларига оид қарорларидан тегишли хулосалар чиқариб олмадилар. Шу қарорлар юзасидан Қашқадарё, Самарқанд ва Хоразм область ижроия комитетларида таъсирчан чоралар кўрилмади. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги, Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, Ўзбекбирлашувнинг турли бошқарув бўғинларида юқори органларнинг қарорлари ижросини назорат қилиш ва текширишнинг ягона узвий жараёни таъминланмаяпти, давлат манфаатларига зид бўлган қўшиб ёзиш практикасига қарши кураш шакллари ҳамда усулларида туб бурилиш бошланмади.

Кўрилаётган чораларга қарамай, ташкилотчилик ва контрол-ревизия ишининг даражаси ҳозирча Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети системасида давлат ҳисоботини бузиб кўрсатишни тугатишни таъминламаяпти. Бултур республиканинг 60 та районида ҳисоб-китобдан яна 10 минг гектар пахтазор яшириб қолинганлиги аниқланди. Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган областлари ва бошқа областларнинг агросаноат комплексларида қорамол ва майда молларни ҳисобга олишдаги, чорвачилик маҳсулотлари ва ем-хашак етиштиришдаги сохтакорликларнинг турли шакллари тугатилмаган, пулли хизматларнинг ҳажмини ошириб ёзиш ҳоллари тез-тез учраб турибди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларининг коллегиал органлари билан раҳбарлари кўраётган комплекс чора-тадбирлар сезиларли натижалар бермаяпти. Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг кўпгина корхона ҳамда ташкилотларида майда улгуржи савдо усулида сотилиши лозим бўлмаган молларни шу усулда сотиш, келгуси ҳисобот даврида ҳисобга олиниши лозим бўлган касса қолдиқларини товар обороти планининг бажарилишига қўшиб юбориш, шиша идишларни ҳисобга олишдаги қаллобликлар, чакана товар обороти, пулли ва маиший хизматлар плани бажарилишининг кўрсаткичларига тўғридан-тўғри қўшиб ёзишлар давом этмоқда.

Текшириш натижасида СССР Министрлар Советининг қуриб битказилган объектларни ишлатиш учун қабул қилиб олиш масалаларига оид талабларидан жиддий чекинишлар содир бўлганлиги аниқланди. Қурилиш ишлари паст савияда ташкил этилаётганлиги, штурмчилик, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларидан четга чиқиш ва мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги социал соҳанинг бир қанча объектларини қўпол камчиликлар билан топшириб юбориш имконини берди. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг раҳбарлари бошчилигидаги давлат комиссиялари бир қанча ҳолларда ўз ишларини жойлардаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини холисона текширмай, юзаки ташкил этдилар. Республиканинг эксплуатацион ташкилотлари вакиллари ҳам муросасозлик позициясида турдилар.

Фақат Хоразм областидагина ишларнинг сифати пастлиги ва катта ҳажмдаги чала ишлар борлиги оқибатида асосий фондлари 1,3 миллион сўмдан иборат бўлган 4470 квадрат метр уй-жой 1987 йил ҳисоботидан чиқариб ташланди. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигида 579 минг сўмдан иборат бўлган 1660 квадрат метр, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетида асосий фондлари 106,7 минг сўмдан иборат бўлган 408 минг квадрат метр, Ўрта Осиё темир йўл бошқармасида асосий фондлари 450 минг сўмдан иборат бўлган 1403 квадрат метр уй-жой шу жумлага киради. Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 5-трестининг 3-қурилиш-монтаж бошқармаси шу усулда ҳар сменада 250 беморни қабул қиладиган хотин-қизлар консультацияси биносини фойдаланиш учун топширган, Навоий областининг Навбаҳор районида «Узагропромстрой» 1-трести 210-колхозлараро механизациялашган кўчма колоннаси 495 квадрат метр саҳнли 8 квартирали уй-жой биносини қуриб битказмай туриб тақдим этган, область ижроия комитети эса уни қабул қилиб олган. Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент областларида объектларни фойдаланишга топширишнинг мана шундай мисоллари содир бўлди.

(Давоми иккинчи бетда).

# МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ЎЗАГИ

Бошланғич партия ташкилотлари қайта қуришнинг маркази ва бош бўғинидир, Ўзбекистон Компартиясида 21 мингдан кўпроқ бошланғич партия ташкилоти бор. Улар меҳнат коллективларининг сиёсий ўзагини ташкил этадилар, барча ташаббусларимиз ва планларимизнинг тақдири уларнинг одамларни ўз орқасидан эргаштира олиш қобилиятига боғлиқ. Бу фикр Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонти заводи коллективининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов билан 1 март куни бўлиб ўтган учрашувида алоҳида таъкидланди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети февраль пленумининг материалларида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқида қайта қуриш янги босқичи ҳар томонлама таҳлил қилиб берилганлигини, уни идеологик жиҳатдан таъминлаш программаси баён этилиб, жуда катта ижтимоий характерга эга бўлган масалалар олға сурилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Пленум материалларида партия ташкилотларининг биринчи навбатда амалга оширадиган вазифалари кенг доираси белгилаб берилди, қайта қуришнинг, социализм назарияси, тарихи ва практикасининг асосий масалалари, Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида муҳокама қилинадиган муаммолар ўртага қўйилди.

Республиканинг ўтган йиллардаги ишлари якунлари ва тўла ҳал этилмай қолган масалалар беш йилликнинг учинчи йилида ишларни янада тиғизлаштирмоқда, бу йил иқтисодий ва социал ривожланишни ҳар томонлама жадаллаштириш, йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдириш вазифасини ўртага қўймоқда. Бунинг учун экономиканинг барча тармоқларида: саноат, қурилиш комплекси, қишлоқ хўжалигида имкониятлар мавжуд, деб уқтирилди учрашувда.

Белгиланган планлар реалликка айланиши учун хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида куч-ғайратни икки-уч баравар ошириш керак. Ишларни қатъий равишда ўнглаб олиш, олдинги икки йил ичида йўл қўйилган қолоқлик ўрнини тўлдириш учун ҳар бир кундан, ҳар бир иш сменасидан юксак самара билан фойдаланиш зарур. Октябрь революцияси номли завод коллективи худди ана шундай меҳнат қилмоқда. Корхона хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитида муваффақиятли иш олиб бормоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан йилнинг дастлабки икки ойи топшириқлари ошириб бажарилди. Шартнома асосида маҳсулот етказиб бериш планлари бажарилди. Планга қўшимча 79 минг сўмлик товар маҳсулот реализация қилинди. Буларнинг ҳаммасига корхонани реконструкциялаш давом этаётган шароитда эришилди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан республикада ҳозир кунлик ўртача газ, кўмир, газ конденсати қазиб чиқариш, минерал ўғит, олтингугурт кислотаси, электр моторлар ва бошқа жуда кўп буюмлар ишлаб чиқариш кўпайди. Шу билан бир вақтда саноат корхоналарининг анчагина қисми барқарор ишламаяпти, жиддий ўпирилишларга йўл қўймоқда. Қолоқ коллективлар ҳам оз эмас.

Қатъиян киришишимиз лозим бўлган вазифалар партия ташкилотларининг ташкилий ва идеологик фаолиятини иқтисодий ислоҳот талабларига мувофиқлаштиришдир. Бу ишда барча кадрларимиз сиёсий ва омилкорлик етуклиги, қайта қуришга мослиги имтиҳонидан ўтадилар. Бироқ корхоналар ва ташкилотларнинг катта группаси янги шароитда ишлашга қониқарсиз тайёргарлик кўрди. Уларнинг раҳбарлари тайёрга айёрлик психологиясини енгиб ўта олмадилар. Хўжалик ҳисоби принциплари цехларга, участкаларга етказилмаяпти. Ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва мукофотлашнинг самарали системаларидан ёмон фойдаланилмоқда.

Кадрларнинг билимдонлигини ошириш, улар раҳбарликнинг янги иқтисодий методларини ўзлаштириши вазифаси ҳозир биринчи ўринга қўйилмоқда. Ташаббуссизликни бартараф этишни, бюрократизм ва расмиятчиликка қарши курашишни, одамларнинг юксак унум билан меҳнат қилишлари учун шароит яратишни ўрганиб олиш зарур.

Қайта қуриш вазифаларини ҳал қилиш чоғида ҳамма нарса одамлар бахт-саодати учун, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш учун қилинаётганлигини бир дақиқа ҳам унутиб бўлмайди.

Инсон омили қайта қуришни ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлиб, у ижтимоий онгни активлаштиришни, янги тафаккурни ишлаб чиқишни биринчи ўринга қўймоқда. Бу эса сиёсий-тарбиявий ишларга, идеология ишларига янада юксак талаблар қўймоқда. Идеология соҳасига партия раҳбарлиги практикасида, идеология муассасалари фаолиятида ҳали туб бурилиш бўлгани йўқ.

Халқ маорифида ҳал этилмаган муаммоларнинг қаттиқ тугуни тўпланиб қолди. Мактаблар, олий ўқув юртлари ва техникумларда таълим ва тарбия бериш савияси фан-техника тараққиёти талабларидан анча орқада қолмоқда. Бу ҳақда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Е. К. Лигачев докладида айтиб ўтилди.

Демография жараёнлари интенсивроқ ривожланаётган ва ортиқча меҳнат ресурслари бўлган республикаларда туб миллатларга мансуб малакали ишчиларни кўплаб тайёрлаш катта социал-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Шунга қарамай, Ўзбекистонда халқ маорифини ривожлантиришда ёшларга оммавий умумий таълим бериш билан ана шундай оммавий ҳунар-таълими йўқлиги ўртасидаги зиддият ҳамон жуда кескин бўлиб турибди. Туб миллатга мансуб кишилар ҳисобига индустриал ишчилар синфини шакллантириш жараёни айниқса, секин бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг февраль пленуми партия ташкилотларини янгиланиш, жамиятни революцион қайта қуриш, социал адолат принципларини амалда қарор топтиришнинг пухта ўйланган идеологияси билан қуроллантирди, деб таъкидланди учрашувда. Республика партия ташкилоти партия XXVII съездининг программавий ҳужжатларига, КПСС Марказий Комитети пленумларининг қарорларига амал қилиб, дадил ва новаторларча ҳаракат қилиб, эришилган натижаларни танқидий таҳлил этиб, социалистик жамиятнинг тобора янги-янги имкониятларини ишга солиб, инсон бахт-саодатини кўзлаб янгиланиш йўлидан, революцион қайта қуриш йўлидан изчиллик билан олға бораверади.

Учрашувда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин иштирок этди.

(ЎзТАГ).

*• Экиш мавсуми олдидан*

## Танқид ёрдам берди

Бу воқеага анча кун бўлиб қолди. Мен редакциянинг топшириғи билан районимиздаги «Ленинобод» колхози трактор паркига борган эдим: кўкламги экиш мавсумига техникалар қандай шай қилинаётганлиги билан қизиқдим. У ерда колхоз раиси А. Орзиқулов ва бош инженер С. Саидхўжаевларни учратдим. Шу пайт бу ерга район агросаноат бирлашмаси вакиллари Махтали Гусеинов ва Тожибой Набиевлар ҳам келиб қолишди. Биргалашиб ремонт ишларининг ташкил этилишини кузатдик. Аҳвол қониқарсиз эди. График бажарилмаяпти, интизом анча бўш. Биз камчиликларни бирма-бир кўрсатдик. Раис танқидни тан олди. «Чора кўрамиз, ремонтни жадаллаштирамиз» деб ваъда берди у. Бир ҳафта муддат белгиланди.

Бу муддат тугагандан сўнг, мен яна колхозга бордим. Механизаторлар, ремонтчи слесарлар сўзларининг уддасидан чиқишган эди. 33 та экиш агрегати, шунча миқдордаги сеялка, 22 та ҳайдов трактори, иккита комбайн, кўплаб чизель барона, ва бошқа механизмлар ремонтдан чиқарилиб сафга қўйилган эди.

Бу ишларни амалга оширишда бош инженер С. Саидхўжаев, мутахассислардан Ўткир Абдураҳмонов, механизаторлардан Малик Бердиёров, Эшқуввват Шерназаров, Қурбон Тошхўжаев, Хожиакбар Турғунов, Қолдибой Қибраев ўртоқлар, айниқса, жонбозлик кўрсатишибди. Слесарлардан Ғулом Ғаниев, Рустам Ботиров ҳамда колхоз бригада бошлиқларидан Алихон Мамедов, Акром Маҳмудов, Отақул Каримов ўртоқлар ҳам бир ҳафта давомида механизаторлар билан ёнма-ён туриб, ремонт ишларида актив қатнашганликларини айтишди.

Бугун техника экиш мавсумига шай.

— Холисона танқид ишимизга катта ёрдам берди, — дейди колхоз раиси. — Экиш мавсумини муваффақиятли ўтказишимизда бу қўл келади.

**Н. ТЎФОНОВ,**
**Оққўрғон районидаги 44-ўрта мактаб ўқитувчиси.**

## ПАНД ЕБ ҚОЛМАЙЛИК

Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози «III Интернационал» участкаси ремонтчи ва механизаторлари ҳар дақиқадан унумли фойдаланиб, экиш техникаларини мавсумга пухта созлаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Ш. Эргашев, Т. Мансуров, Х. Ярулинларнинг ғайрати туфайли ҳозиргача 10 та чопиқ, 20 дан ортиқ турли маркадаги транспорт тракторлари, 6 та териш машинаси, 5 та кўрак чувиш агрегати, 5 та ОВХ, 15 та ЛО агрегатлари ҳамда бошқа машина ва механизмлари ремонтдан чиқарилди.

— Аммо очиғини айтиш керак. Бу соҳада ҳали қилинадиган ишлар анчагина, — дейди участка механиги Абубакир Алдашов. — Мана, масалан, 2 та транспорт трактори, 20 та тележка, 14 та терим машинаси, 2 та «Херсонец» комбайни ремонти запас қисмлар етишмаётганлиги туфайли судралиб ётибди. Шунингдек, ремонтдан чиқарилган агрегатларни қўйишга жой йўқ. Улар очиқ ҳавода сақланмоқда.

Умуман бундай аҳволни бошқа участкаларда ҳам кузатиш мумкин. Бундан хўжалик ва РАПО раҳбарлари жиддийроқ хулоса чиқариб, аҳволни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар кўрмасалар, панд еб қолишимиз ҳеч гап эмас.

**Л. МАНСУРОВ.**

*• Область Совети ижроия комитетининг кўчма мажлиси*

# ИШ ЎЛДА-ЖЎЛДА-Ю РАҲБАРЛАР ХОТИРЖАМ

ИЖРОКОМНИНГ кўчма мажлисини навбати билан районларда ўтказишдан мақсад айнан шу районни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг аҳволини комплекс кўриб чиқиб ютуқларни оммалаштириш, камчилик ва нуқсонларни тузатиш, ярамас иллатларни бутунлай йўқотиш чораларини кўришда район ташкилотларига ҳар томонлама ёрдам беришдир. Демак, бундай мажлисдан область эмас, аввало район манфаатдордир. Бинобарин, мажлисда барча раҳбар ва мутахассис кадрлар албатта қатнашишлари керак.

Лекин Пискентда бунинг акси бўлди. Қарангки, райондаги 7 та колхоз ва 2 та совхоз раҳбаридан биргина Свердлов номли колхоз раиси Шомурод Эсеркепов мажлисга келибди. РАПО раиси Суюн Умаров эса қандайдир ўқувни баҳона қилиб, мажлисда қатнашишни ўзига эп кўрмабди. Район Совети ижроия комитети раиси Жўрақул Отақуловнинг таъкидлашига қараганда бошқа раҳбарлар отпускада эмиш. Шундай экан, балки ҳамма ишлар жойидадир, камчиликлар йўқдир, чорва қишлови, кўкламги дала ишларига тайёргарлик оби-тобидадир.

Кошки эди шундай бўлса. Афсуски, район ҳаётининг ҳамма соҳаларида камчилик ва нуқсонлар, тезроқ ҳал бўлишини кутиб ётган муаммолар исталганча топилади. Бу ҳақда мажлис давомида жиддий гаплар бўлди. Шулардан энг долзарблари хусусида тўхталиб, факт ва рақамлар мағзини чақайлик.

1987 йилда аҳолининг даромади олти процент ошди, сарф қилиш эса икки процент камайди. Шу боисдан аҳолининг қўлида 12 миллион сўм маблағ ҳаракатсиз қолди. Бунинг учун аввало район хизмат соҳаларини айблаш керак. Кооператив савдо плани ҳам, пулли хизмат кўрсатиш плани ҳам бажарилмади. Озиқ-овқат ва саноат моллари магазинларида харидоргир ҳамда кундалик рўзғорга керакли моллар кам, Тармоқ корхоналарида ўз (фирма) маҳсулотларини тайёрлаб савдога чиқариш йўлга қўйилмаган.

Район Совети ижроия комитети кооперативларни кўпайтириш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти ва аҳолига пулли хизмат кўрсатишни кенгайтириш масалалари билан умуман шуғулланмаяпти. Ҳозир область район ва шаҳарларида 15—20 тадан кооперативлар ишлаб турибди, бу ерда эса энди 5 та бўлди. Улар ҳам асосан кабобхона, новвойхонадан иборат. Қолганлари маиший хизмат корхоналари ишини такрорлаяпти. 70 минг аҳолиси бор районда фақат 28 кишигина якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганлигини ҳеч қандай баҳонаю-сабаб билан оқлаб бўлмайди.

Айниқса пулли хизмат соҳасидаги аҳвол ёмон. Бирорта ташкилот йўқки, планни бажарган бўлсин. Ҳозир областда бундай шаҳар ёки район қолмаган. Ҳар бир киши ҳисобига кўрсатилаётган пулли хизмат областдаги ўртача кўрсаткичдан уч баравар кам. Нега шундай? Балки районнинг имкониятлари чеклангандир? Йўқ, ҳафсала ва ҳаракатдан бошқа ҳамма шароит бор. Мана, бир мисол. Районда 3500 дан кўпроқ шахсий машина бор. Аммо бирорта автокорхонада ана шу машиналарга пулли хизмат кўрсатилмаяпти. Ахир бу машиналар ҳаракатда-ку, демак, уларни кимдир, қаердадир ремонт қилаяпти. Лекин хизмат ҳақи давлат кассасига ёки корхона ҳисобига эмас, балки кимларнингдир киссаларига тушаяпти.

Пулли хизматнинг кенгаймаётганлигига яна бир сабаб шуки, кўпгина раҳбарлар ҳали пулли хизматнинг ўзи нима эканлигини яхши тушуниб олишмаган, унга қайси хизмат турлари киришини яхши билишмайди. Ҳатто, район статистика бошқармасида ҳам бунинг фарқига боришмаётганга ўхшайди. Чунки бу бошқарма берган ҳисобот маълумотларидаги рақамлар область статистика бошқармаси маълумотидаги рақамлардан кескин фарқ қилади. Буни қандай тушунмоқ керак? Қўшиб ёзишми ёки ҳисобот беришдаги шунчаки эътиборсизликми?

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳар бир шаҳар, район, корхона, ташкилот ва муассасалар учун пулли хизмат планини асосан маҳаллий Совет органлари белгилайдилар. Турли министрлик ва идораларнинг кўрсатмалари эса улар учун асосий ҳисобланмайди.

Аҳолининг турмуш маданиятини яхшилаш уёқда турсин, ҳатто энг зарур шарт-шароитларни яратиб бериш билан ҳам шуғулланилмаяпти. Масалан райондаги 35 та умумтаълим мактабидан 19 тасининг биноси ҳозирги давр талабларига жавоб бермайди. 12 та мактабда олти ёшлиларни ўқитиш учун шароит йўқ. «Партия XXVI съезди» ва «Пискент» совхозлари, «Гулистон» ва Тельман номли колхозлар мактабларга оталиқ ёрдами кўрсатишмаяпти. Чунончи, «Пискент» совхозидаги 12-мактаб биноси эскириб, босиб қолай деб турибди. Лекин хўжалик раҳбарлари янги мактаб биноси учун маблағ ажратишни исташмаяпти. Холбуки, бу мактаб учун лойиҳа-смета ҳужжатлари 1985 йилдаёқ тузиб қўйилганди.

Энди мана бу ҳолга эътибор беринг: районда юқумли касалликлар бир неча баравар кўпайди. Бу масалага бефарқ қараб бўлмайди. Шундоқ ҳам тегишли ташкилотлар, айниқса, санитария-эпидемиология станцияси раҳбарларининг лоқайдлиги билан аҳвол таҳликали даражага етди. Шу пайтгача бирорта водопровод тармоғида ичимлик сувни тозалайдиган ва зарарсизлантирадиган қурилма ўрнатилмаганлигини ҳеч қандай сабаб билан оқлаш мумкин эмас. 36 та фельдшерлик-акушерлик пунктининг ярмидан кўпида телефон алоқаси ўрнатилмаган.

Бу соҳадаги зарур иш шуки, районга марказий касалхона керак. Район раҳбарлари буни аллақачон эътироф этишган. Аммо афсуски, қурилиш суръатини жадаллаштириш ҳақида ҳеч ким ўйламаяпти. Масалан, 1987 йили 200 минг сўм маблағ ўзлаштирилмай қолди. Бу йил шу объектда 900 минг сўмлик иш бажарилиши керак. Лекин ишнинг ҳозирги боришидан маълум бўлиб турибдики, бу йил ҳам режа барбод бўлади.

Қишлоқ хўжалик соҳасидаги камчиликлар, пала-партишликлар ҳақида ҳам гапирмаслик мумкин эмас. Ўтган мавсумда район пахта планини бажарди. Аммо бу чорвачиликни издан чиқариш ҳисобига бўлганга ўхшайди. Озуқа экинлари кам экилди. Ем-хашак етарли жамғарилмади. Оқибатда сигирларнинг сути камайиб кетаётир. Гўшт етиштиришнинг тайини йўқ. Бир гектар ер ҳисобига бор-йўғи 39 центнер гўшт етиштирилди, холос. Бу областнинг ўртача кўрсаткичидан қарийб уч баравар кам!

Шундай аҳволда район раҳбарларининг аҳоли истеъмоли учун ажратиладиган гўшт фондини кўпайтиришни зўр бериб талаб қилаётганликлари ортиқча. Бунинг ўрнига тайёр резерв ва имкониятлардан тўғри фойдалансалар яхши бўларди. Бир ёқда гўшт плани барбод бўлаяпти-ю, иккинчи ёқдан ички эҳтиёж баҳонасида мол ва қўйлар сўйиб юборилмоқда. Ҳали йилнинг икки ойи ҳам ўтмай туриб, 200 бошдан кўпроқ қорамол сўйилди. Бунинг устига хотамтойликни қарангки, етиштирилаётган бир килограмм гўшт районда 8—9 сўмдан тушиб турганда сўйилаётган молларнинг гўшти раҳбар ва мутахассисларга 1 сўм 90 тийиндан сотиляпти. Бунинг жамоат бойлигини талон-торож қилишдан нима фарқи бор?!

Шуниси чатоқки, сут ва гўшт етиштиришда бу қолоқлик ўрнини тезроқ тўлдиришнинг иложи йўқ. Озуқанинг камлиги ва сифатсизлиги учун ғунажинлар рационি тўйимсиз бўлди. Оқибатда улар тез ва дуркун бўлиб ўсмади, икки ёшдан ошганда ҳам қочириш учун вазни етарли бўлмади. Шу тариқа икки ёшдан катта жами ғунажинларнинг 60 процентидан кўпроғи қочирилмай қолди.

Мажлисда чорва қишловидаги бундай ачинарли аҳвол обдон таҳлил қилиниб, шундай хулосага келинди: агар биринчи квартал якунида ҳам гўшт, сут планлари бажарилмаса, шу участкадаги ишга жавобгар раҳбар ва мутахассисларнинг фаолиятсизлиги учун қатъий чоралар кўрилади.

Шунингдек кўчма мажлисда кўкламги дала ишларига тайёргарликнинг аҳволи ҳам қониқарсиз эканлиги таъкидланди. Ҳозир боғбон ва соҳибкорлар ишга қизғин киришадиган пайт. Аммо боғ ва токзорлар ҳали ҳувиллаб ётибди. Ҳеч ким қадам босгани йўқ. Чигит, қовун-тарвуз, лавлаги ва картошка уруғлари тайёр эмас. Ариқ-зовурларни тозалашга росмана киришилмаган. Ахир эртаиндин далага чиқилади-ку! Ёки ёппасига отпускага чиқиб, дам олишга кетган раҳбарлар қайтиб келишгач, ҳамма чала ишлар ўз-ўзидан юришиб кетармикин?

Буни вақт кўрсатади.

**А. ЙЎЛДОШЕВ.**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

*ЭНГ ЯХШИ АТЕИСТЛАРИМИЗ*



# ИШОНТИРИШ САНЪАТИ

ОЧЕРК

Меҳр ва қаҳр ҳар доим бир-бири билан ёнма-ён юради. Меҳр ҳам, қаҳр ҳам бир юракдан, бир қалбдан чиқади. Аммо улар турлича талқин этилади. Ҳамманинг меҳрини бирдай қозониб бўлмаганидек, атеистлар шаънига баъзан пинҳона ғаразли сўзларни айтаётган одамларнинг оғизларига ҳам элак тутиб бўлмайди. Бироқ атеистлар илм-фан жарчиси, илғор ғоялар тарғиботчиси, жамики хурофот ва бидъатларнинг ашаддий душмани сифатида аллақачон элнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган кишилардир.

Яқинда Тилаб ака редакциямизга кириб келди. У хурсанд эди.

— Устознинг ёнларидан келаяпман, — деди у, — ўртамизда ошкора суҳбат бўлди. Атеизм бўйича ўзимни ҳаяжонга солаётган масалалар, сунъий ғовлар тўғрисида у кишига сўзлаб бердим. Биласизми, устоз билан фикримиз бир жойдан чиқди! Қайта қуриш йўлидаги бундай тўсиқларни бартараф этиш юзасидан аниқ режаларни келишиб олдик. «Ўқитувчиларимиз атеистик пропагандада айниқса ибрат ва намуна кўрсатишлари даркор», деган гаплари менга жуда маъқул тушди.

Дарҳақиқат, тўғри. Биз кўп вақт ўқитувчиларни фарзандларимизнинг устози сифатида ҳурмат-иззат қиламизу, бироқ уларнинг таълим-тарбия бобидаги амалий ишларини баҳолашга келганда сал иккиланиб қоламиз. Улар қилган «амалий ишлар» негадир тош босмаётгандек, жуда енгил-елпи бўлиб туюлади. Аслида қайта қуриш ва жадаллаштириш даврида юзага қалқиб чиққан қусурларимиз, характеримиздаги салбий иллатлар, адолатсизликлар енгил тарбия маҳсули эмасми? Тарбиянинг, етуклик ва камолотнинг, покликнинг аввало уйдан, мактаб остонасидан бошланишини ўйлаганингда масала янада ойдинлашади. Демак, ота-она ва ўқитувчининг зиммасига жуда катта масъулият юкланган.

— Бундан салкам ўттиз йил бурун, ҳозир ўзим ишлаётган Ойбек номли 30-мактабда пионер вожатий эдим, — дейди Тилаб ака, — ўқитувчиликдек фахрли касбга иштиёқманд эдим. Бола зотига азалдан меҳрим баланд. Шу меҳр мени педагогика институтига етаклади. Ишдан ажралмаган ҳолда ўқиб, биология ўқитувчиси бўлдим. Ўқиш-ўқитиш, муаллимлик даврида ўзим севган болаларнинг аксариятида энг кўп тарқалган касаллик — бу ҳар хил инс-жинсларга, хурофот ва бидъатларга кўр-кўрона ишониш эканлигини пайқадим. Бу чиндан ҳам хавфли иллат. Бошдан дўппини олиб обдон ўйлаб кўришга тўғри келди. Ахир, биолог ўқитувчиман, мутахассислигим диний хурофотларга қарши курашда ўткир қурол бўла олади, деган қарорга келдим.

У шундай қатъий қарорга келди-ю, онг ва миясини хурофот заҳарлаган ёшларни «даволаш»га киришди. Кўп ўтмай уйида кичик атеистик кутубхонача пайдо бўлди. Тилаб муаллим кундузи дарсларда бўлиб, кечалари мук тушиб мутолаа қиларди. Эртасига эса сўзининг нишонга текканидан, жонли, қизиқарли машғулотлардан ўқувчилар озиқ олаётганини кўриб ўзи ҳам руҳланарди.

Бир қизиқ воқеа ҳеч унинг ёдидан чиқмайди. Синфда Солижон исмли ўқувчи бўларди. Ўзи қўрқоқ, ҳар нарсадан ҳадиксирарди. Фавқулодда уч кун дарсга келмай қўйди. Шундан кейин синфдашлари уни излаб уйига боришди ўшанда.

Солижонни ўртоқлари зўрға таниди. Унинг юзи докадай оқариб кетган, лабларига учуқ тошган эди.

— Кеча дарс тайёрлашга келмадинг, сени роса пойладик, — дейишди унга синфдошлари.

— Э, қўй ўша... сенинг уйингга бораман, деб шу ҳолга тушдим, — деди хўрсиниб Солижон ва кўзига ажиналар, муқаддас дарахтлар кўринганини қўрқа-писа сўзлаб берди.

Ўқувчилар ўртасида бўлган гапларни эшитиб Тилаб ака аввалига роса кулди. Сўнгра «ажина чалган» бола ва бошқаларни синфга таклиф қилиб уқтирди:

— Болалар, гап бундай. Табиатда ҳеч қандай ажина бўлмаган, ҳеч қанақа ғайри табиий дарахт ҳам йўқ. Тўғри, кўп йиллик кекса дарахтларда зимзиё тунда ёруғлик кўринади. Лекин бу ёғду асло ажина эмас. Диндорлар уни «ажина чироқ ёқаяпти, кечаси жинлар базм қуришади», деб нотўғри мишмишлар тарқатишган. Шу туфайли бурунги замонларда кечаси нур таратган дарахтларни кўрган кишилар ваҳимага тушганлар, болалар эса қўрқиб касал бўлиб қолганлар. «Жин урибди», «ажина чалибди» деган гаплар руҳонийларнинг уйдирмаси, холос.

— Хўш, унда бу олов қаёқдан пайдо бўлади, — деб сўрашди болалар ундан.

Тажрибали ўқитувчи Тилаб ака ўқувчиларнинг қизиқишини ҳисобга олиб, бу «сир»нинг мағзини чақишга ўтади:

— Мен сизга қалпоқчали замбуруғларнинг баъзи турлари, масалан, кузги опёнок эски тўнкаларда ўсади, деган эдим ўтган машғулотимизда. Олимларимиз ана шу опёнок тўқимасидаги моддаларнинг кислород ёрдамида оксидланиши ва аста-секин ёниши мумкинлигини исботлаганлар. Демак, дарахтзорда кечаси кўринган ялтироқ нурлар ажина чироқлари эмас, балки қалпоқчали замбуруғлар тўқимасидаги моддаларнинг кислород иштирокида ёнишидан пайдо бўладиган табиий жараёндир.

— Бугина эмас, — деб сўзини давом эттиради Тилаб ака, — мулла, дуохон ва ҳар хил ромчи — фолбинлар табиатда учрайдиган бошқа кўпгина ўсимликларни ҳам илоҳийлаштириб талқин этганлар. Мисол учун, баъзи иримчи кишилар касал бўлиб қолса, дарҳол исириқ тутадилар. Баъзилар инс-жинс, касаллик ва офатлардан сақланиш учун тумор тақиб, чўнтакларига саримсоқпиёз ёки седана солиб юришади. Буларнинг бари тушунмаслик оқибати. Тўғри, исириқ шифобахш ўсимлик. Унинг таркибидаги алколоидлар грипп-тумов микробларини қиради. Исириқдан олинган дорилардан медицинада шол, астма, шамоллаш, бод, безгак касалликларини даволашда фойдаланилади. Кўриниб турибдики, исириқда ҳеч қандай ғайритабиий сир йўқ. Саримсоқпиёз ҳам азалдан маълум бўлиб, унинг таркибида бактерияларни ўлдирувчи фитонцидлар бор. Шу сабабли одамлар унинг бўлакларини чўнтакларида олиб юришган. Сабаби, ундан ажралиб чиққан фитонцид моддаси бемор ва унинг кийимларидаги бактерияларни зарарсизлантириб, кишини микроблар орқали юқадиган касалликлардан ҳимоя қилади.

— Хўш, Солижон нима учун маҳалласидаги тут дарахтидан қўрқди? У чиндан ҳам муқаддас тутми? — Ўқитувчи ўқувчиларга савол ташлаб яна ўзи жавоб берди, — йўқ, фақат руҳонийлар ўша ерни «муқаддас» жой деб овоза тарқатишган. Шохларига ҳар хил рангдаги латта-путталар илишиб, сиғинишни буюрганлар. 100 ёшли кекса дарахт илоҳийлаштирилиб, шохлари буталмагач, тарвақайлаб ўсиб, ваҳимали тус олган. Сиз билан биз унинг шохларини бутаб, силлиқ ва чиройли шаклга келтирдик. Тагида жамоатчилик кучи билан сўлим чойхона бунёд этилди. Лекин биз бундан айримлар айтганидек, кўр-кар ёки шол бўлиб қолмадик-ку?! Келинглар, болалар, яхшиси билимларни пухтароқ эгаллайлик. Билимга қанча чуқур кириб борсангиз, табиат сирлари ҳам шу қадар тез ва осон маълум бўлаверади. Ҳеч қандай ғайритабиий куч фаннинг ўрнини босолмайди. Зеро, дин одамларнинг табиат кучлари олдидаги ожизликлари, унинг сирларини илмий асосда тушуниб етмаганликлари оқибатида келиб чиққанлигини сира унутмангиз. Сизлар фанларни чуқур ўзлаштираётган, саводхон ва ҳушёр болаларсиз. Ўйлайманки, юқоридаги каби хурофотларга ишонмайсизлар.

Тилаб Рўзиматов фақат дарсда болалар ўртасидагина эмас, катталар орасида ҳам энг яхши атеист-лектор, энг муҳими, самимий суҳбатдош, чин инсон сифатида ҳам эътибор қозонган. Унинг ҳароратли лекция ва суҳбатлари кишиларни фикр ва мулоҳаза қилишга даъват этмоқда.

— Иккиюзламачиликни табиатим суймайди, — дейди у. — Айниқса, атеизм ниқоби остидаги тилёғламаликни ёқтирмайман. Баъзи ҳамкасбларимга ҳайрон қоламан. Ўқитувчи-педагог деган шарафли ном эгалари бўлсалар-да, сўзлари билан ишлари бир эмас. Баъзи дўстларимиз мактабда ёки лекция ўқиётганларида атеистлару, минбардан тушгач, ёки мактаб остонасидан нари кетгач, яна исломча либосларга бурканиб, домла-имомларнинг чизиғидан чиқишмайди. Бу бир. Иккинчидан, касаба союзлари томонидан ажратилган маблағ ҳисобидан қора қўй сотиб олиб худойи қилаётганлар, саёҳат ва санаторийлар баҳона «муқаддас» жойларда «ҳузур қилиб», дам олиб қайтаётганлар озмунчами?! Шундайлар ичида ҳатто коммунистларнинг ҳам борлиги айниқса, ачинарлидир.

... Қўшқўрғон қишлоғида «Кўктуллук» қабристони бор. Шу ерда катталиги хонтахтадай келадиган ҳарсанг тош мавжуд. Руҳонийлар уни «муқаддас» жой деб эълон қилишган. Гўё у Маккаю Мадинадаги ўша «Ал асвод»нинг «иниси» эмиш. Унга сиғинган беморнинг кўзи равшанлашиб, дарддан фориғ бўлармиш, айниқса, кўк йўталга йўлиққан болалар шу тошни яласа ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетармиш, деган шов-шувлар соддадил кишилар қулоғига тезда чалина қолди. Болали аёллар шу ерга уя қуриб олишди. Буни билиб Тилаб ака ҳам шу ерга йўл олди. Аввалига кузатувчи бўлиб, кўктошни ва унга эътиқод қўйган кишиларни обдон ўрганди. Сўнгра синалган тажрибасини ишга солди. Лекин бу иш осон кўчгани йўқ. Лақмалар у ёқда турсин, баъзи маҳалла фаоллари ҳам ундан ранжишди. «Одамларнинг ўзига қўйиб беринг» дейишди улар лоқайдлик билан. Қизиқ, ёш-ёш болалар тошни ялаб, микроб юқтириб, бешбаттар касал ортираётган бўлса-ю кўпни кўрган фаоллар эса «парво қилманг», деб ўтиришса?!

Йўқ, атеист лектор бу ҳодисага бефарқ қарамади. Келганларга актив таъсир ўтказди. Тушунтирди. Кўк тош ҳақидаги таги пуч афсоналарни таҳлил қилиб берди. Ниҳоят, «муқаддас» жойдан одамлар оёғи узилиб кетгандан сўнггина унинг ҳам кўнгли жойига тушди. Аммо, бутунлай эмас.

Дин ҳақидаги уйдирмаларни, хурофот ва бидъатларни у ёввойи ўтнинг уруғига ўхшатади. Ёввойи ўт бир жойда қуриса, уруғи яна бошқа бир жойда ўзига макон топади. Шунинг учун атеист лектор доимо ҳушёр бўлиши, бундай уруғ қаерда бўй кўрсатмасин, уни таг-томири билан юлиб ташлаши лозим.

Биз қўлида китоб-дафтар тўла портфель ушлаган ўқитувчини эрта тонгдаёқ мактаб йўлида, дарслардан бўшади дегунча далаларда, меҳнат коллективларида — одамлар орасида тез-тез учратиб турамиз. Сиз уни бир кўргандаёқ танийсиз. Бу қўшқўрғонлик камтар ўқитувчи, дилкаш суҳбатдош, Ўзбекистон ССР халқ Маорифи аълочиси, Республика илмий атеизм уйи илмий Советининг аъзоси оташин атеист Тилаб Рўзиматовдир.

**Эшонқул ҲАЙДАРОВ,**
**Бўстонлиқ райони.**

# ҚЎШИМЧАСИ 1 МИЛЛИОН 450 МИНГ СЎМЛИК

«УЧҚУН» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи прогрессив технология ва илғор иш усулларини қўлланишга тобора кўпроқ эътибор бермоқда. Харидорлар талабини ўрганиш, уларнинг тобора ошиб бораётган дидига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, айниқса буюмларнинг сифатини яхшилашни мақсад қилиб қўйган коллектив бу йўлда тинмай изланиш олиб бормоқда.

Ўтган йили техника тараққиётини жадаллаштириш юзасидан ўнлаб тадбирлар амалга оширилди. Мавжуд асбоб-ускуналарнинг бир қисми модернизация қилинди. Маънавий жиҳатдан эскириб қолганлари эса янгилари билан алмаштирилди. Мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган қатор янги машина-механизмлар жорий қилинди.

Цехларда Швейцариядан, Италия ва бошқа хорижий давлатлардан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Улар орасида янги поток линиялари, тўқув машиналари ҳам бор. Ниҳоятда такомиллашган бундай агрегатлар ишлаб чиқаришда ижобий бурилиш ясаш имконини бермоқда. Умуман корхона бўйича бир йил давомида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва иш маданиятини ошириш учун 800 минг сўмликдан кўпроқ маблағ сарфланди. Шуниси таҳсинга сазоворки, шу харажатлар тезда ўзини қоплади. Бунинг учун бир йилнинг ўзи кифоя қилди. Эндиликда улар фақат фойда бермоқда.

Такомиллашган асбоб-ускуналарни ишлатиш харидорбоп буюмлар тайёрлашни анча кўпайтириш имконини ҳам бермоқда. «Янгилик» индекси билан маҳсулотларни савдо шаҳобчаларига етказиб бериш анча кўпайди. Улар орасида хотин-қизлар рўмоллари, ленталар, сочиқ, салфеткалар бор. Ҳозирги вақтда ана шундай халқ истеъмоли маҳсулоти турлари 68 тага етказилди.

Маҳсулотнинг кўримлилиги ва сифатини ошириш уларнинг тезда реализация бўлишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам корхонага тушаётган буюртмалар ортиб борди. Ишчи-хизматчилар буюмларни шартномада белгиланган муддатларда етказиб бериш учун барча имкониятларни ишга солдилар. Шу туфайли ҳам ҳеч бир мижоз олдида уялиб қолмадилар. Жами маҳсулот ҳажми эса 25 миллион 50 минг сўмликни ташкил этди. Чакана нарх бўйича пландагига қўшимча ишлаб чиқарилган турли-туман тўқимачилик ва галантерея буюмлари 1 миллион 450 минг сўмликдан ҳам ошиб кетди. «Янгилик» индекси билан 880 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Коллектив бу йилнинг январь, февраль ойларида ҳам самарали ишлади.

Бирлашма бўлинмаларида социалистик мусобақанинг янгича йўлга қўйилиши, бунда илғор иш усулларини қўлланишга эътиборнинг кучайиши ҳам коллектив фаолиятига ижобий таъсир қилди. Ҳамма бригадалар пудрат асосида ишлашга ўтди. Цехлар коллективлари ҳам шундай усулни қўлландилар. Бу янгилик ҳар бир ишчи-хизматчининг коллектив меҳнати натижасидан, коллективнинг ҳар бир ишчи-хизматчиси меҳнати натижасидан манфаатдорлигини кучайтирди. Шунинг учун ҳам смена нормасини бажармайдиган, меҳнат интизомининг бузилишга йўл қўювчи ишчилар сони кескин камайиб кетди.

Социалистик мусобақада фаол қатнашаётган коллективлар ва айрим ишчи-хизматчилар вақтдан ўзиб ишламоқдалар. Ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган шахсий беллашув тобора авж олмоқда. Бу ватанпарварлик ҳаракатига янги-янги ишчи-хизматчилар қўшилмоқдалар. Ҳозир улар сафида юзлаб чеварлар бор.

Шуниси қувончлики, зиммасига шахсий мажбуриятлар олиб ишлаётган ишчилар ўз сўзларининг устидан чиқишяпти. Уч йиллик топшириқни бажарган илғорлар сафи 70 нафардан ҳам ошиб кетди. Юзга яқин тўқувчи эса шу кунларда йилнинг иккинчи ярми ҳисобига маҳсулот бермоқдалар. Бундай пешқадамлар орасида коллективнинг ҳақиқий машъаллари бўлиб қолган М. Холиқова, М. Исҳоқова, Д. Эргашева, Ж. Иброҳимова, Д. Умарова, Р. Гараева ва бошқалар бор. Улар меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш фазилатларини намоён қилмоқдалар. Доим виждонан ва сидқидил билан ишлайдилар. Нормани ошириб бажариш қатори сифатга алоҳида эътибор берадилар. Уларнинг қўлидан чиқаётган маҳсулотларнинг аксарият кўпчилиги биринчи кўрсатишдаёқ техника контроли бўлими назоратчилари томонидан қабул қилинмоқда.

Бирлашмада инсон омили ролини оширишга қаратилган кўпдан-кўп тадбирлар ҳам кўрилмоқдаки, бу ўз навбатида коллектив фаолияти натижасининг баракали бўлишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозир барча цехларда қизил бурчаклар, дам олиш, овқатланиш ва бошқа шу каби хоналар мавжуд. Меҳнат шароитларини яхшилаш юзасидан ўн иккинчи беш йилликка мўлжалланган кенг қамровли программани амалга ошириш инсон омилини янада кучайтиришга олиб келади. Демак, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот сифатини яхшилашга ёрдам берадиган қўшимча резервлар ва имкониятлар ишга тушади. Бу эса ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили планлари ҳам муваффақиятли бажарилиши учун гаровдир.

**С. СУЛТОНОВ.**



# МУРАББИЙ ИШЧИ

ТОШКЕНТ авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг механика-йиғув цехи слесари Виктор Шалунов корхонанинг тажрибали мураббийларидан. Ҳамиша ёшларга ҳомийлик қилади. Талабчан ва қаттиққўл. Кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган бригадир кўплаб шогирдлар тайёрлади. Унинг қўлида таълим олган ҳамма ёшлар слесарлик касбини қисқа муддатларда ўзлаштиради. Ҳозирги пайтда уларнинг кўпчилиги устозлари билан бир сафда фидокорона ишлашмоқда. Устоз таълимини олганлардан бири Собир Абдураззоқовдир.

— Мен бригадиримиз Виктор Ивановичдан кўп нарса ўргандим, — дейди у. — У менга техникадан унумли фойдаланишни ўргатди. Ўзининг деталга ишлов бериш илғор усуллари билан ҳамиша ўртоқлашади.

Виктор Иванович ишлаб чиқаришни ташкил қилишда қимматли тажриба орттирган. Бригадада самолётни бошқариш кучини узатувчи ўқлар ишлаб чиқарилади. Бу узел сифатли тайёрланиши, белгиланган график асосида муддатида топширилиши шарт. Ҳамманинг бир ёқадан бош чиқариб ишлаши, ўз ишини яхши бажариши туфайли узеллар сифатига эътирозлар бўлмаяпти.

Бригада ҳар бир аъзосининг ўз вазифасига жиддий муносабати, ўзаро контрол ва ҳамкорлик асосида ташкил этилган иш коллективнинг юксак самараларга эришишига ёрдам бермоқда. Улар ҳамиша социалистик мусобақанинг олдинги сафларида бормоқдалар.

**А. КАШАПОВ,**
**«Ударник» газетаси мухбири.**

**СУРАТДА:** В. Шалунов шогирди С. Абдураззоқов билан.

**АВТОР фотоси.**

*• Фан ютуқлари — ишлаб чиқаришга*

# Тажриба ўзини оқлади

**Халқ хўжалигида нурлантириш орқали маҳсулот етиштиришни жадаллаштириш муаммосини олимлар бир неча йиллардан буён ўрганмоқдалар. Улар меҳнати зое кетмади. Хусусан, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Жаҳонгир Ҳамидов раҳбарлигида тадқиқот олиб борган бир группа илмий ходимлар бу борада яхши самарага эришдилар. Академиянинг биохимия институтида бошланган изланишга республикамиз соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли онкология ва радиология институти, Ўзбекистон ССР «Госкомптицепром»нинг қатор лабораториялари, шунингдек бир неча лойиҳа-конструкторлик бюролари ҳисса қўшдилар. Тажрибалар Бўстонлиқ паррандачилик фабрикасида ўтказилди. Аввалига радиация билан маълум меъёрда нурлантирилган тухумлардан жўжа очирилди. Кейинчалик бундай тухумларнинг ҳам, жўжаларнинг ҳам хусусиятлари батафсил ўрганилди. Шу тариқа нурлантирувчи аппарат — «Гобой» қурилмаси вужудга келди.**

**Биргаликда ўтказилган тадқиқотлар нурлантирилган тухумлардан чиққан жўжалар касалликка чидамли, дуркун, ҳаракатчан ва оддий тухумлардан очирилган жўжалардан вазни оғир бўлишини кўрсатди. Шуни ҳисобга олиб «Гобой» қуввати оширилди. У соатига 4 мингдан 6 мингтагача тухумни нурлантириб бериш қудратига эга бўлди.**

**Тадқиқот ўтган йили кенгроқ миқёсда яна бир бор синаб кўрилди. Фабрикада 1,5 миллион тухум нурлантирилган эди. Ўн иккинчи беш йилликда бу кўрсаткич 5 миллионни ташкил этади.**

**Нурлантирилган тухумлар сутканинг маълум бир вақтида ёппасига жўжалар очиши билан ҳам афзалдир. Бу кўплаб электр энергияси тежаш имконини беради.**

**А. СИЗОВ.**

# ПОДВАЛЛИ ГАРАЖ

УЙ эгаларининг оилавий манфаатлари ҳам назарда тутилган бу иншоотни Чирчиқ бинокорлик материаллари ва конструкциялари билан «Южний» кооперативининг инженерлари республикада биринчи бўлиб ўйлаб топдилар. Бўйи 6 метр, эни 3,5 метрга борадиган темир-бетон гараж остида сабзавот-картошка, тузлама ва ҳўл мевалар қишга сақлаб қўйиладиган кенг подвал жойлашади. Гараж содда тузилган ва пишиқ. Унинг нархи арзон ва монтажи қулай бўлганлиги учун харидоргир бўлиши кутилмоқда.

**(ЎзТАГ).**

